

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВА НОДИРА ЗОКИРОВНА

**COVID-19 МАВЖУД АЁЛЛАРДА МЕНСТРУАЛ ОВАРИАЛ
ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Юлдашева Нодира Зокировна

COVID-19 мавжуд аёлларда менструал овариал функцияси
бузилишларининг клиник-патогенетик жиҳатлари.....5

Юлдашева Нодира Зокировна

Клинические и патогенетические аспекты нарушений менструально-
овариальной функции у женщин с COVID-19.....27

Yuldasheva Nodira Zokirovna

Clinical and pathogenetic aspects of menstrual-ovarian function disorders in
women with COVID-19.....54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works.....61

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВА НОДИРА ЗОКИРОВНА

**COVID-19 МАВЖУД АЁЛЛАРДА МЕНСТРУАЛ ОВАРИАЛ
ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2620 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Шукуров Фарҳад Ишқулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Зуфарова Шахноза Алимджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ешимбетова Гулсара Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Тошкент Давлат Стоматология Институтини

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Қ.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг ахамияти ва долзарблиги. Дунёда аёллар орасида COVID-19 касаллиги билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларининг учраш салмоғи ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда дунёнинг турли давлатлари аёлларида COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларининг тарқалиш даражаси 25–35%ни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳануз пасайишга мойил эмас. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...кейинги беш йил ичида COVID-19 билан касалланган аёллар орасида менструал-овариал функция бузилишларидан азият чекаётган беморлар сони барқарор ошиб бормоқда ва турли мамлакатларда 5% дан 20% гача беморлар ушбу менструал-овариал функция бузилишлари билан касалланган...»¹. Айни пайтда касалликнинг репродуктив ёшдаги аёллар орасида кенг тарқалиши, айниқса, эрта, ўрта ва кечки репродуктив даврда ёшга хос оғир кечиши, шунингдек, ушбу беморларда COVID-19 инфекциясининг тухумдон захираси, гормонал ҳолати ва иммун тизимига таъсирини ўрганиш зарурати юзага келмоқда. Бу эса касалликнинг патогенетик хусусиятларини чуқур тадқиқ этиш, ташхис қўйиш, даволаш, профилактика ва реабилитация усулларини янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Жаҳонда эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёллар орасида, COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари патогенетик механизмларининг тўлиқ ўрганилмагани, ушбу муаммонинг долзарблигини янада оширади. Айниқса, коронавирус инфекциясининг тухумдонлар захираси, эндометрий тузилиши ва менструал циклига таъсирини аниқлаш бўйича илмий маълумотлар чекланган. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар вируснинг репродуктив тизимга таъсирини аниқлашда муҳим қадамлар қўяётган бўлса-да, ҳали ҳам COVID-19 туфайли эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда юзага келган гормонал ўзгаришларнинг аниқ механизмлари тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, касалликнинг эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда фертилликка узоқ муддатли таъсирини баҳолаш ва келажакда бепуштлик ҳолатлари билан боғлиқ эҳтимолий муаммоларни аниқлаш масалалари ҳам ҳали ўз ечимини топмаган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...аҳолини максимал қамраб олган ҳолда бирламчи тиббий-санитария хизматини унга янада яқинлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш, ихтисослашган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда...». Бу борада эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/questions-and-answers/item/coronavirus-disease-covid-19-pregnancy-and-childbirth>

бузилишларининг клиник-патогенетик жиҳатларини ўрганиш ва беморларни самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-156-сон фармони, 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2023 йил 8 сентябрдаги «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги ПҚ-296-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишнинг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё олимлари томонидан сўнгги йилларда COVID-19 инфекциясининг аёллар репродуктив тизимига таъсирини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларининг асосий механизмлари ва уларнинг фертилликка таъсири (G. Sharp et al., 2022) томонидан ўрганилган. Шунингдек, COVID-19 нинг эндокрин фаолият, иммун тизими ва қон томир тизимига салбий таъсири хусусан, бу гипоталамо-гипофизар-тухумдон ўқи фаолиятининг бузилишига олиб келиши мумкинлиги (O.V.Bakr et al., 2023); Q.Wang et al., 2022) томонидан ўтказилган тадқиқотларда ўрганилган. COVID-19 натижасида юзага келадиган яллиғланиш реакциялари ва тўқималарнинг гипоксияси хайз циклининг бузилишига сабаб бўлиши мумкинлиги (R.S. Legro., 2021) томонидан таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, P.Vigil et al., 2022) томонидан COVID-19 дан кейинги стресс, яллиғланиш ва гормонал ўзгаришлар овулятор фаолиятни пасайишига олиб келиши аниқланган.

МДХ давлатлари олимлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда менструал-овариал бузилишларнинг клиник ва патогенетик жиҳатларини ўрганишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, COVID-19 инфекциясининг таъсири натижасида гипоталамус-гипофиз-тухумдон алоқасининг бузилишлари (Л.Ф. Можейко ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 08.09.2023 йилдаги ПҚ-296-сон

хаммуал., 2022) томонидан аниқлаган. COVID-19 инфекциясининг аёлларнинг репродуктив функциясига таъсири, шунингдек, инфекциядан кейин репродуктив фаолиятининг тикланиш жараёнлари (Л.В. Адамян ва хаммуал., 2020) ва Т.Ю. Демидова ва хаммуал., 2022) томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўрганилган. А.Н. Мальцева., 2022) ўз тадқиқотида COVID-19 инфекцияси гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизимига таъсир қилиб, эстроген ва прогестерон каби гормонлар даражасининг ўзгаришига олиб келиши мумкинлиги аниқлаган.

Ўзбекистон олимлари томонидан COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, коронавирус инфекциясининг аёллар репродуктив функциясига таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқот (З.Ю.Халимова ва хаммуал., 2020) томонидан ўтказган. Бироқ, ушбу тадқиқотларда асосий эътибор менструал-овариал функция бузилишларига эмас, балки умумий репродуктив функция фаолиятини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, уларни аниқ баҳолаш ва даволашга оид тавсиялар ишлаб чиқилиб, клиник амалиётга тўлиқ жорий этилмаган. Мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар етишмаслиги бу соҳадаги изланишларни янада кенгайтириш лозимлигидан далолат беради.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №012300281 «Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларининг ечимини топиш» (2023-2027йй) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларининг клиник ва патогенетик хусусиятларини ўрганиш, самарали ташхислаш, прогнозлаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 касаллиги билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал ва тухумдонлар захираси ҳолатини баҳолаш;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда иммунологик тизим ҳолатини баҳолаш;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёллар эндометрийнинг морфологик ва иммуногистохимиявий хусусиятларини ўрганиш;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари

аниқланган эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда даволаш, профилактика ва реабилитация усуллари ишлаб чиқиш ҳамда ушбу усулларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти 2020-2024 йиллар давомида Тошкент шаҳар 3-сон туғруқ комплексида COVID-19 билан касалланиб, даволаниб чиққан 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган 100 нафар аёллар ва COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд 120 нафар аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон зардоби ва эндометрий биопсия намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, гормонал, иммунологик, эхографик, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал ва иммунологик таҳлиллар асосида) ФСГ ва ЛГ даражалари касаллик оғирлигига мутаносиб равишда 1,9–2,1 бараварга ошгани, эстрадиол (2,3–3,0 баравар) ва прогестерон (3,4–5,2 баравар) даражалари пасайиши ҳамда, цитокинлардан IL-1 β (5–10 баравар), IL-6 (10–20 баравар) ва IFN- γ (6–8 баравар) ўсиши исботланган;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (эхографик ва биокимёвий таҳлиллар асосида) тухумдон захираси баҳоланиб, АМГ даражаси ва АФС кўрсаткичлари беморлар ёшига мутаносиб равишда эрта репродуктив ёшли аёлларда 10%, ўрта репродуктив ёшдаги аёлларда 25% ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда 40% га камайиши исботланган;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (морфологик ва иммуногистокимёвий таҳлиллар асосида) эндометрий тўқималарида беморлар ёшига мутаносиб равишда лимфоцитар инфильтрация (17,7%), безлар гиперплазияси (30%) ва қон қуйилиш ўчоқлари (20%) ҳамда эндометрийдая ER ва PR рецепторлари экспрессиясининг 1,5–2 баравар пасайиши исботланган;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал терапия ва реабилитация усуллари асосида) микронизирланган 0,060 мг гестоден ва 0,015 мг этинилэстрадиол таркибли монофазали перорал препарат ёрдамида ўтказилган гормонал коррекция ва реабилитацион терапия менструал-овариал циклини мос равишда 82,5%, 76,1% ва 70,1% га, овуляцияни 78,2%, 72,4% ва 62,4% га, фертиллиқни 72,3%, 65,6% ва 60,3%га тикланишига олиб келганлиги, хайз-овариал функция бузилишлари рецидивини 2,2 бараварга, репродуктив бузилишларни 2,1 бараварга камайиши, даволаш харажатларини 2,0 бараварга қисқартиришга олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда ФСГ ва ЛГ миқдор

даражаларининг 1,9–2,1 бараварга ошиши, эстрадиол миқдор даражасининг–2,3–3,0 бараварга, прогестероннинг–3,4–5,2 бараварга пасайиши, ҳамда, IL-1 β нинг 5–10 баравар, IL-6нинг 10–20 баравар, IFN- γ цитокинлар миқдор даражасининг 6–8 бараварга ошиши касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлиги асосланган;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдонлар захирасининг маркерларидан АМГ даражаси ва АФС кўрсаткичлари беморлар ёшига мутаносиб равишда эрта репродуктив ёшли аёлларда 10%, ўрта репродуктив ёшда 25% ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда 40% га камайиши эхографик ва биокимёвий таҳлиллар натижалари қиймати ёрдамида асосланган;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий тўқималарида лимфоцитар инфильтрация (17,7%), безлар гиперплазияси (30%) ва қон қуйилиш ўчоқлари (20%) аниқланиши ҳамда эндометрийдая ER ва PR рецепторлари экспрессиясининг 1,5–2,0 баравар пасайиши беморлар ёши билан боғлиқлиги асосланган;

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда микронизирланган 0,060 мг гестоден ва 0,015 мг этинилэстрадиол таркибли монофазали перорал препарат ёрдамида ўтказилган гормонал коррекция ва реабилитацион терапия менструал-овариал циклини менструал-овариал циклини мос равишда 82,5%, 76,1% ва 70,1% га, овуляцияни 78,2%, 72,4% ва 62,4% га, фертилликни 72,3%, 65,6% ва 60,3%га тикланишига олиб келганлиги, хайз-овариал бузилишлари рецидивини 2,2 бараварга, репродуктив бузилишларни 2,1 бараварга камайиши, даволаш харажатларини 2,0 бараварга қисқартириши унинг юқори самарадорлигига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал, иммунологик, морфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлар чуқур ўрганилиб, тухумдонлар захираси маркерлари (АМГ ва АФС) кўрсаткичларига асосланган фертилликни тикланишини ҳамда ва эндометрийдаяги ER ва PR рецепторлари экспрессия даражасига асосланган прогнозлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, эрта, ўрта ва кечки

репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларини ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг самарали усуллари ишлаб чиқилиб, гормонал терапия ва реабилитация натижасида аёлларнинг менструал-овариал циклини мос равишда 82,5%, 76,1% ва 70,1% га, овуляцияни 78,2%, 72,4% ва 62,4% га, фертиллиқни 72,3%, 65,6% ва 60,3%га тикланишига ҳамда менструал-овариал функция бузилишлари рецидивини 2,2 бараварга камайтириш ва даволаш харажатларини 2,0 бараварга қисқартиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 касаллиги билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда клиник, иммунологик, морфологик ва иммуногистокимёвий текширувлар орқали касалликнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда патогенетик асосланган даволаш усуллари тақомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал ва иммунологик таҳлиллар асосида) ФСГ ва ЛГ даражалари касаллик оғирлигига мутаносиб равишда 1,9–2,1 бараварга ошгани, эстрадиол (2,3–3,0 баравар) ва прогестерон (3,4–5,2 баравар) даражалари пасайиши, цитокинлардан IL-1 β (5–10 баравар), IL-6 (10–20 баравар) ва IFN- γ (6–8 баравар) ўсиши исботланган ҳамда улар натижалари асосида "COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳайз ва овариал функция бузилишларини ташхислаш, прогнозлаш, даволаш ва профилактикаси" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/34-т сонли маълумотномаси) Тошкент шаҳар 9-сон туманлараро перинатал маркази бўйича 08.06.2024 йилдаги №67-сон буйруқ ва РИО ва БСИАТМ Хоразм филиали бўйича 20.07.2024 йилдаги №116-сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/111-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** COVID-19 инфекциясига чалинган эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда менструал-овариал функцияси билан боғлиқ гормонал ва иммунологик ўзгаришларни аниқлаш репродуктив саломатликни эрта баҳолаш, мақсадли даволаш чораларини танлаш ва фертиллиқни сақлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотда аниқланган гормонал ва иммунологик кўрсаткичларни баҳолаш орқали менструал-овариал функция бузилишларини ташхислашда қўшимча инвазив текширувлар (биопсия ва морфологик таҳлиллар)дан воз кечиш 120 аёл учун 42000000 сўмни иқтисод қилишга имкон берган. **Хулоса:** COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларини эрта аниқлаш ва баҳолаш учун ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон ҳамда цитокинлар (IL-1 β , IL-6, IFN- γ) кўрсаткичларига асосланган самарали диагностик мезонлар ишлаб чиқилиши, ҳар бир аёл учун ўртача 350000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал

функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (эхографик ва биокимёвий таҳлиллар асосида) тухумдон захираси баҳоланиб, АМГ даражаси ва АФС кўрсаткичлари беморлар ёшига мутаносиб равишда эрта репродуктив ёшли аёлларда 10%, ўрта репродуктив ёшдаги аёлларда 25% ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда 40% га камайгани исботланган ва шу олинган натижалари асосида "COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳайз ва овариал функция бузилишларини ташхислаш, прогнозлаш, даволаш ва профилактикаси" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/34-т сонли маълумотномаси) Тошкент шаҳар 9-сон туманлараро перинатал маркази бўйича 08.06.2024 йилдаги №67-сон буйруқ ва РИО ва БСИАТМ Хоразм филиали бўйича 20.07.2024 йилдаги №116-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/111-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 билан боғлиқ тухумдон захирасининг ёшга мутаносиб пасайишини аниқланиши фертиллик тикланишини баҳолаш ҳамда индивидуал терапия режаларини белгилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** тухумдонлар захирасини баҳолаш ёрдамида фертиллик тикланишини прогнозлаш усулининг жорий этилиши беморларни ташхислаш жараёнида қимматбаҳо ва инвазив текширувлардан воз кечиш ҳисобига 120 бемор учун ўртача 48000000 сўм маблағни тежаш имконини берди. **Хулоса:** COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдон захирасини баҳолаш орқали репродуктив функция тикланишини прогнозлашнинг самарали модели ишлаб чиқилиб, унинг ёрдамида тухумдон захирасининг пасайиш даражасига кўра фертиллик тикланиш эҳтимоли аниқланиб, индивидуал даволаш режалари ишлаб чиқилиши, ташхислаш ва даволаш жараёнларининг самарадорлиги ошиши, ҳар бир бемор учун 400000 сўм маблағни тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (морфологик ва иммуногистокимёвий таҳлиллар асосида) эндометрий тўқималарида беморлар ёшига мутаносиб равишда лимфоцитар инфильтрация (17,7%), безлар гиперплазияси (30%) ва қон қуйилиш ўчоқлари (20%) ҳамда эндометрийда ER ва PR рецепторлари экспрессиясининг 1,5–2 баравар пасайиши шу олинган натижалари асосида "COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳайз ва овариал функция бузилишларини ташхислаш, прогнозлаш, даволаш ва профилактикаси" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/34-т сонли маълумотномаси) Тошкент шаҳар 9-сон туманлараро перинатал маркази бўйича 08.06.2024 йилдаги №67-сон буйруқ ва РИО ва БСИАТМ Хоразм филиали бўйича 20.07.2024 йилдаги №116-сон буйруқ билан

амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/111-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** эрта, ўрта ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ эндометрий тузилиши ва рецептор аппаратидаги мутаносиб морфологик ўзгаришларни аниқлаш аёлларда имплантация жараёнини баҳолаш, эндометриал патологияни эрта аниқлаш ва индивидуал терапевтик ёндашувни танлаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ушбу прогнозлаш модели жорий этилиши орқали қимматбаҳо ва инвазив ташхислаш процедураларни камайтириш имкониятни, эндометрийдаги ER ва PR рецепторлари экспрессиясини баҳолаш орқали менструал-овариал функция бузилишларининг рецидивланиш хавфини аниқлаш ҳар 120 бемор учун ўртача 54000000 сўмгача иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрийнинг морфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларини таҳлил қилиш орқали менструал-овариал функция бузилишлари рецидивини прогнозлашнинг самарали модели ишлаб чиқилганлиги бир нафар бемор учун 450000 сўм маблағни тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда (гормонал терапия ва реабилитация усуллари асосида) микроенизирилганган 0,060 мг гестоден ва 0,015 мг этинилэстрадиол таркибли монофазали перорал препарат ёрдамида гормонал коррекция ва реабилитацион терапия менструал-овариал, овуляция ва фертиллиқни тикланишига олиб келиши исботланган ва улар натижалари асосида "COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳайз ва овариал функция бузилишларини ташхислаш, прогнозлаш, даволаш ва профилактикаси" номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб (22.05.2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 05-23/34-t сонли маълумотномаси) Тошкент шаҳар 9-сон туманлараро перинатал маркази бўйича 08.06.2024 йилдаги №67-сон буйруқ ва РИО ва БСИАТМ Хоразм филиали бўйича 20.07.2024 йилдаги №116-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Илмий техник Кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/111-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда юқори самарали гормонал коррекция усулини қўллаш COVID-19дан кейинги менструал-овариал функцияни тиклаш, репродуктив бузилишларни камайтириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** гормонал терапия ва реабилитация усуллариининг жорий этилиши даволаш харажатларини 2.0 бараварга қисқартириш, репродуктив функция тикланиш салмоғини 2 бараварга ошириб, 120 бемор учун ўртача 60000000 сўмгача харажатни тежаш имкони берган. **Хулоса:** COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция

бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда микронизирланган гестоден ва этинилэстрадиол таркибли перорал препарат ёрдамида ўтказилган гормонал терапия ва реабилитация усули самарали эканлиги клиник жиҳатдан исботлаб, бюджет маблағларини бир нафар бемор учун 500000 сўм харажатни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши материаллари бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, шундан 8 та журнал мақоласи, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 5 таси республика, 3 таси хорижий журналларда, 6 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«COVID-19 билан касалланган аёлларда менструал-овариал функцияси бузилишларининг клиник ва диагностик жиҳатларининг замонавий талқини (адабиёт шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида аёлларда COVID-19 билан касалланган аёлларда менструал-овариал функцияси бузилишларининг эпидемиологияси, патогенези, клиникаси ҳақида замонавий тасаввурлар ҳамда касалликни замонавий даволаш усуллари ҳақида маҳаллий ва хорижий нашрлардаги сўнгги 5-10 йиллик адабиётлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари тавсифи ҳамда умумклиник, иммунологик, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқотга жами 250 нафар аёллар жалб қилинди. Уларнинг 100 нафарида COVID-19 касаллигини ўтказган аёлларда менструал-овариал функция бузилишларининг учраш салмоғи ретроспектив таҳлил қилинди. Проспектив тадқиқотга COVID-19 касаллиги билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд жами 120 нафар аёллар киритилиб улар ёшига кўра учта гуруҳга ажратилди: I- гуруҳни 45 нафар

(37,5%) эрта репродуктив ёшдаги аёллар (18-25 ёш), II- гуруҳни 42 нафар (35%) ўрта репродуктив ёшдаги аёллар (26-35 ёш), ва III- гуруҳни 33 нафар (27,5%) кеч репродуктив ёшдаги аёллар (36-40 ёш) дан ташкил топди. Назорат гуруҳини эса 30 нафар соғлом аёллар ташкил этди. Тадқиқот доирасида COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд аёлларда иммунологик ва гормонал ҳолати, тухумдонлар захирасини баҳолашни, шунингдек, эндометрий морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилди. Ўтказилган даволашнинг самарадорлиги асосан ҳайз-овариал функциясининг, овуляциянинг ва репродуктив функциянинг тикланиши натижалари ва эндометрий ER ва PR рецепторлари экспрессия даражасининг такрорий иммуногистокимёвий таҳлиллар натижаларига асосланиб баҳоланди.

Тадқиқотлардан олинган маълумотлар Спирменнинг даражали корреляция усулида STATISTICA 10.0 стандарт пакети ҳамда табиий жуфтлар ўртасидаги боғланган икки вариацион қатор хатосини аниқлаш учун Epi Info 7.2.2.2 статистик дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Статистик аҳамиятли фарқ $P < 0,05$, $P < 0,01$ ва $P < 0,001$ даражасида ишончли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «COVID-19 касаллиги билан боғлиқ менструал-овариал функцияси бузилишлари мавжуд турли репродуктив ёшдаги аёлларда клиник–лаборатор, инструментал ва ретроспектив таҳлил натижалари» деб номланган учинчи бобида таққослаш гуруҳларидаги беморларнинг клиник-анамнестик, лаборатор ва инструментал текширув усуллари, морфологик, иммуногистокимёвий текширувлар бўйича маълумотлар келтирилган. Олдинга қўйилган вазифага мувофиқ, 2020–2021 йилларда Тошкент шаҳрининг 3-сонли туғруқ комплексида COVID-19 инфекциясини ўтказган аёллар танлаб олиниб ретроспектив таҳлил ўтказилди. Коронавирус касаллигини ўтказган 100 нафар аёлларда менструал-овариал бузилишлар учраш салмоғини ретроспектив таҳлили қўйидаги натижаларни кўрсатди: 17 нафар (17%) аёлда аменорея, 21 нафар (21%) аёлда олигоменорея, 17 нафар (17%) аёлда дисменорея ва 45 нафар (45%) аёлда бачадондан аномал қон кетишлари аниқланди (1-расм).



1-расм. COVID-19 касаллигини ўтказган аёлларда кузатилган менструал-овариал бузилишларининг учраш салмоғи, %

Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, COVID-19 инфекциясини ўтказган аёлларда менструал-овариал функция бузилишлари кўпроқ

кузатилган. Бу, инфекциянинг менструал-овариал функцияга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади. Тадқиқот келгусида самарали даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш ва проспектив тадқиқотлар ўтказиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, COVID-19 узоқ давом этган ҳолларда бу бузилишлар хавфи юқори эканлиги аниқланди.

Гормонал тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 билан боғлиқ менструал овариал функция бузилишлари мавжуд турли репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал ўзгаришлар яққол кузатилган. COVID-19 билан боғлиқ менструал овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда ёш ортган сари ФСГ ва ЛГ даражалари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли равишда ошган. Эстрадиол ва прогестерон даражалари эса барча гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан пасайган. Шу билан бирга, тестостерон ва пролактин даражалари, айниқса, оғир даражадаги COVID-19 билан боғлиқ гуруҳларда юқори бўлган. Бу ўзгаришлар вируснинг гормонал балансига салбий таъсир кўрсатишига ишора қилади (1-жадвал).

1-жадвал


Тадқиқотга киритилган турли репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал профили кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	I гуруҳ, n=45	II гуруҳ, n=42	III гуруҳ, n=33	Назорат гуруҳи, n=30
ФСГ (МЕ/мл)	16,5±0,5***	17,1±0,1***	18,3±0,63***	8,5±0,39
ЛГ(МЕ/мл)	13,6±0,1***	14,4±0,2***	15,2±0,2***	8,0±0,32
Эстрадиол (пг/мл)	91,3±1,3***	80,77±0,77***	70,0±0,1***	210,0±10,2
Прогестерон (нг/мл)	1,82±0,02***	1,41±0,1***	1,19±0,01***	6,2±0,22
Тестостерон (нг/мл)	1,26±0,032	1,53±0,07***	1,80±0,01***	0,90±0,030
Пролактин (нг/мл)	24,96±0,04	26,88±0,12*	28,80±0,20**	24,0±0,90

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд бўлган аёлларда ёш ортган сари гормонал ўзгаришлар яққолроқ кузатилган. ФСГ миқдори мос равишда 1,9, 2,0 ва 2,1 бараварга, ЛГ — 1,7, 1,8 ва 1,9 бараварга ошган, эстрадиол даражаси — 2,3, 2,6 ва 3,0 бараварга, прогестерон эса — 3,4, 4,4 ва 5,2 бараварга камайган. Шу билан бирга, тестостерон 1,04, 1,7 ва 2,0 бараварга, пролактин 1,04, 1,12 ва 1,2 бараварга ошган. Корреляцион таҳлил натижалари ёш ва гормонал ўзгаришлар ўртасида муҳим боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Эстрадиол ва прогестерон гормонлари ёш билан тескари корреляцияга эга ($r = -0,24$), ФСГ, ЛГ, тестостерон ва пролактин даражалари эса ёш билан тўғри корреляцияланган ($r = 0,42$; $r = 0,44$; $r = 0,40$; $r = 0,43$; $P < 0,05$). Ушбу натижалар COVID-19 инфекцияси ёшга қараб гормонал баланс

ва менструал-овариал функцияга салбий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди (2-расм).



2-расм. COVID-19 касаллиги билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд турли репродуктив ёшдаги аёллар ёши билан гормонлар миқдор даражалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Шундай қилиб, COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд бўлган турли репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал ўзгаришлар репродуктив ёшга қараб сезиларли даражада фарқ қилган. Ушбу ҳолат касалликнинг аёллар репродуктив саломатлигига таъсири индивидуал ёндашувни талаб қилишини ва менструал-овариал функцияни тиклашга қаратилган махсус терапевтик чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд бўлган 120 нафар турли репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдон захираси биохимик марери АМГ ва эхографик маркери АФС ёрдамида баҳоланди. Эрта репродуктив ёшдаги аёлларда АМГ даражаси $2,8 \pm 0,09$ нг/мл, АФС $12,5 \pm 0,39$ ни ташкил этиб, тухумдон захирасида енгил камайиш кузатилди ($P < 0,05$). Ўрта репродуктив ёшдаги аёлларда АМГ $2,1 \pm 0,07$ нг/мл, АФС $9,3 \pm 0,32$ бўлиб, захиранинг сезиларли камайгани аниқланди ($P < 0,01$). Кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эса АМГ даражаси $1,6 \pm 0,05$ нг/мл, АФС $7,5 \pm 0,28$ ни ташкил қилиб, COVID-19 таъсирида тухумдон захираси кескин пасайгани қайд этилди ($P < 0,001$). Таққослаш учун олинган назорат гуруҳида эса АМГ даражаси $3,1 \pm 0,10$ нг/мл, АФС $15,0 \pm 0,49$ бўлиб, тухумдон захираси нормал ҳолатда эканлиги тасдиқланди (2-жадвал).

2-жадвал


Тадқиқотга киритилган турли репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдонлар захираси маркерларининг кўрсаткичлари, $M \pm m$

Гуруҳлар	АМГ (нг/мл)	АФС
I-гуруҳ, n=45	$2,79 \pm 0,09^*$	$12,5 \pm 0,39^{**}$
II-гуруҳ, n=42	$2,33 \pm 0,07^{***\wedge\wedge}$	$9,3 \pm 0,32^{***\wedge\wedge}$
III-гуруҳ, n=33	$1,86 \pm 0,05^{***\wedge\wedge\&\&\&}$	$6,0 \pm 0,20^{***\wedge\wedge\&\&\&}$
Назорат гуруҳи, n=30	$3,1 \pm 0,10$	$15,0 \pm 0,49$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001); ^ - I-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (^^-P<0,001); & - II-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (&&&-P<0,001)

Таҳлил натижаларига кўра, COVID-19 оғирлиги ва репродуктив ёш ошган сари тухумдон захираси мезонлари — АМГ ва антрал фолликуллар сони — сезиларли даражада камайгани аниқланди (P<0,001), бу инфекциянинг репродуктив функция ва тухумдон захирасига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини англатади. COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал бузилишлари мавжуд аёлларда тухумдон захираси эрта репродуктив ёшда 10%, ўрта ёшда 25% ва кеч репродуктив ёшда 40% га камайган, назорат гуруҳида эса ўзгариш кузатилмаган.

Корреляцион таҳлил натижалари репродуктив ёш ва тухумдон захираси камайиши ўртасида кучли тесқари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди (P<0,01). Хусусан, ёш ошган сари АМГ (r = -0,72) ва АФС (r = -0,69) даражалари пасайгани аниқланди (P<0,01), бу тухумдон захирасининг ёшга боғлиқ ҳолда камайишини тасдиқлайди (3-расм).



3-расм. COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд репродуктив ёшдаги аёллар ёши билан тухумдон захираси камайиши ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Ушбу натижалар касаллик оғирлашган сари антрал фолликуллар сони камайишини кўрсатади. Ушбу таҳлиллар натижасида COVID-19 касаллиги билан боғлиқ ҳолда тухумдонлар захираси сезиларли даражада камайгани ва репродуктив функцияга салбий таъсир кўрсатгани аниқланди. Шунингдек, мазкур тадқиқотда COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари аниқланган аёлларда тухумдон захираси кўрсаткичларига асосланган фертиллик тикланишини прогнозлаш модели ишлаб чиқилди. Ушбу моделда АМГ даражаси ва АФС кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Фертиллик тикланишини прогнозлаш моделини яратишда COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд аёллар репродуктив ёшини, тухумдонлар захирасининг АМГ ва АФС мезонлари кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Фертиллик тикланишини прогнозлашни биз томонимиздан ярилган қуйидаги формула ёрдамида баҳоланди:

$$F = \frac{AMH \times (AFC_{left} + AFC_{right})}{AF}$$

Бу ерда:


AMG — антимюллер гормони даражаси,

AFC_{left} — чап тухумдоннинг антраль фолликуллар сони,

AFC_{right} — ўнг тухумдоннинг антраль фолликуллар сони.

AF (Age Factor) — Репродуктив ёш коэффиценти, яъни COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд эрта, ўрта ва кеч репродуктив ёшдаги аёллар ёшига мос коэффицент (эрта репродуктив ёш учун: 1,0, ўрта репродуктив ёш: 1.3 ва кеч репродуктив ёш: 1.7)


Тадқиқот натижаларига кўра, фертиллиқ тикланиш эҳтимолининг 3 даражаси аниқланди. Эрта репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдон захираси 10% камайган бўлиб, фертиллиқ тикланиш эҳтимоли 80–90% ни, сезувчанлиқ 90%, ўзига хослиқ 85% ни ташкил этди. Ўрта ёшдаги аёлларда тухумдон захираси 25% га камайган ва тикланиш эҳтимоли 50–70%, сезувчанлиқ 75%, ўзига хослиқ 70% даражасида бўлган. Кеч репродуктив ёшда тухумдон захираси 40% га камайган ҳолда фертиллиқ тикланиш эҳтимоли 30–50%, сезувчанлиқ 60%, ўзига хослиқ 55% ни ташкил этди. Бу натижалар ёш ортиши билан тухумдон захираси пасайиб, фертиллиқ тикланиш эҳтимоли камайишини кўрсатади. Шу асосда ишлаб чиқилган прогнозлаш модели юқори сезувчанлиқ ва ўзига хослиқка эга бўлиб, фертиллиқ тикланишини баҳолашда самарали усул саналади. Моделнинг прогностик қиймати ROC таҳлил орқали тасдиқланди: AUC кўрсаткичлари эрта ёшда – 0.75, ўрта ёшда – 0.69 ва кеч ёшда – 0.85 бўлди (4-расм).



4-расм. COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд турли репродуктив ёшдаги аёлларда фертиллиқни тикланишини прогнозлаш моделининг ROC таҳлили


Тадқиқот натижаларига кўра, COVID-19 оғирлиги ва аёл ёши ортиши билан тухумдон захираси кўрсаткичлари – AMG даражаси ва антрал фолликуллар сони – сезиларли пасайиб, репродуктив функция сусайиши кузатилди. Шу асосда ишлаб чиқилган прогнозлаш модели COVID-19 билан боғлиқ тухумдон захираси камайган аёлларда фертиллиқ тикланиш эҳтимолини самарали баҳолаш имконини берди. Шунингдек, турли репродуктив ёшдаги аёллар қон зардобидидаги IL-1 β , IL-6 ва IFN- γ цитокинлари даражаси COVID-19

инфекциясининг биринчи ҳафтасида ва касалликдан кейинги иккинчи ҳафтасида таҳлил қилинди. 1-ҳафтада барча гуруҳларда цитокинлар даражаси назорат гуруҳига нисбатан жуда юқори экани аниқланди: I гуруҳда IL-1 β – 52,3 пг/мл, IL-6 – 35,0 пг/мл, IFN- γ – 502,0 пг/мл; II гуруҳда IL-1 β – 84,3 пг/мл, IL-6 – 70,0 пг/мл, IFN- γ – 784,0 пг/мл; III гуруҳда эса IL-1 β – 101,1 пг/мл, IL-6 – 141,2 пг/мл, IFN- γ – 1020,0 пг/мл. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 11,0, 7,0 ва 128,0 пг/мл ни ташкил этди (5-расм).



5-расм. COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд турли репродуктив ёшдаги аёлларда цитокинлар ҳолати


Касалликнинг 2-ҳафтасида цитокинлар даражаси пасайган бўлса-да, улар барча репродуктив ёш гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан юқори даражада сақланган. I гуруҳда: IL-1 β – 32,1 пг/мл, IL-6 – 21,0 пг/мл, IFN- γ – 248,0 пг/мл; II гуруҳда: IL-1 β – 44,3 пг/мл, IL-6 – 35,0 пг/мл, IFN- γ – 478,0 пг/мл; III гуруҳда: IL-1 β – 61,1 пг/мл, IL-6 – 70,0 пг/мл, IFN- γ – 510,0 пг/мл. Бу COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишларида IL-6 даражаси касаллик оғирлигига мос равишда 5, 10 ва 20 бараваргача юқори эканини кўрсатади. Шу боис, цитокинлар даражасини назорат қилиш яллиғланишли жавобни баҳолаш ва терапия тактикаси учун муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, IL-6 даражаси ва ҳайз дисфункцияси давомийлиги ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинди. Кеч репродуктив ёшда $r = 0,94$ ($p < 0,01$) даражасида жуда кучли, ўрта ёшда $r = 0,87$ ($p < 0,01$) даражасида кучли, эрта ёшда эса $r = 0,06$ ($p > 0,05$) даражасида аҳамиятсиз корреляция аниқланди (6-расм).



6-расм. Хайз дисфункцияси давомийлиги билан IL-6 цитокинлар миқдор даражаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик


Шунинг учун даволаш тактикаси аёлларнинг ёши ва касаллик оғирлигига қараб фарқланиши керак. IL-6 миқдорини назорат қилиш индивидуал терапияни белгилашда муҳим мезон ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд аёлларда IL-6, IL-1 β ва IFN- γ даражалари юқори бўлиб, яллиғланиш жараёни фаоллиги ва узоқ муддатли иммун жавоб билан боғлиқ. Шунинг учун, бу цитокинлар функция бузилишининг биомаркери сифатида қаралиши мумкин.

Тадқиқот натижалари турли ёшдаги аёлларда эндометрий тўқималарида морфологик ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди. I-группа (эрта ёш): лимфоцитар инфильтрация (17,7%), кистоз кенгайиш (15,5%) ва қон қуйилишлари (11,1%) аниқланган (7-расм). II-группа (ўрта ёш): гиперплазия (30%), қон томир тўлақонлилиги (35%) ва қон қуйилишлари (35%) қайд этилган (8-расм). III-группа (кеч ёш): эпителий гиперплазияси (18,1%), гиперхроматик ядролар (15,1%), безлар атрофида гематома (20%) ва стромада қон қуйилишлари (15,1%) аниқланган. Бу патоморфологик ўзгаришлар инфекциянинг оғир кечиши ва ёшга боғлиқ қайта қурилиш жараёнларини акс эттиради. Шу тариқа, морфологик тадқиқотлар эндометрийнинг ёш ва касаллик оғирлигига қараб жиддий ўзгаришларга учрашини тасдиқлайди (9-расм).




<p>COVID-19 ўтказган. Сурункали эндометрит. Без стромасида лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари аниқланади (1), без релефлари нисбатан кистоз кенгайган (2), фокусда без стромасига диапедез қон қуйилиш ўчқлари аниқланади. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4x10.</p>	<p>Бачадондан аномал қон кетиши. COVID-19 ўтказган. Безларнинг оддий гиперплазияси (1), без стромаси қон томирлари кескин тўлақонли кўринишда ва диапедез қон қуйилиш ўчоқлари аниқланади (2). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20x10.</p>	<p>Бачадондан аномал қон кетиши. COVID-19 ўтказган. Сурункали эндометрит. Без эпителийлари гиперплазияланган, ядролари гиперхром кўринишда (1), атрофида гематома ўчоқлари аниқланади. стромасида ўчоқли қон қуйилишлар аниқланади (2). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20x10.</p>
---	--	---

COVID-19 билан боғлиқ менструал-овариал функция бузилишлари мавжуд аёлларда эндометрийнинг морфологик таҳлили SARS-CoV-2 вируси тўқималарга кириб, уларни жиддий зарарлаши ва эндометрит ривожланишига сабаб бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Морфологик ўзгаришлар бемор ёши ва касаллик оғирлигига боғлиқ ҳолда фарқланган: I-группада енгил ўзгаришлар, II ва III гуруҳларда эса гиперплазия, васкуляризация ва қон қуйилиш каби оғир патологиялар кўпроқ учраган. Шу боис, персоналлаштирилган терапевтик ёндашув талаб этилади. Тўғри даволаш репродуктив функцияни тиклаш ва асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Иммуногистохимёвий тадқиқотлар I-группа (эрта репродуктив ёш) аёлларда эндометрийда ER ва PR рецепторлари экспрессиясининг пасайишини аниқлади. Без эпителийсида ER ўртача $98,0 \pm 0,2$ H-score бўлиб, 13 нафарда (65%) пасайиш қайд этилди; PR даражаси $22,1 \pm 0,4$ H-score бўлиб, 7 нафарда (35%) пасайиш кузатилди ($P < 0,05$). Стромада ҳам ER — $94,2 \pm 0,4$ H-score (12 нафар, 60%), PR — $20,0 \pm 0,2$ H-score (8 нафар, 40%) кўрсаткичлар қайд этилган. Бу ўзгаришлар COVID-19 инфекцияси туфайли эндометрий рецепторлар экспрессиясининг тизимли пасайиши ва репродуктив функцияга салбий таъсирини кўрсатади (10 ва 11-расмлар).



10-расм. Безлар эпителийси ва эндометрий стромасида ER рецепторлари нисбатан паст экспрессияси. Иммуногистохимик бўйаш $\times 400$ катталаштиришда.




11-расм. Безлар эпителийси ва эндометрий стромасида PR рецепторлари нисбатан паст экспрессияси. Иммуногистохимик бўйаш $\times 400$ катталаштиришда.

COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ менструал-овариал функцияси бузилиши мавжуд ўрта репродуктив ёшдаги II-гуруҳнинг 20 нафар аёлининг эндометрийси без эпителийси ва стромасида эстроген (ER) ва прогестерон

(PR) рецепторларининг экспрессияси қисман пасайгани аниқланди. Ушбу 9 (45%) нафар аёлда эндометрий без эпителийсида ER рецепторлари экспрессияси ўртача $88,0 \pm 0,42$ H-score.ни ташкил этди ($P < 0,05$). Бу пасайиш 11 нафар (55%) аёлда ER рецепторлари экспрессиясининг ўртача даражада пасайганлигини кўрсатади. Эндометрий без эпителийси PR рецепторлари экспрессиясида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар кузатилиб, уларнинг экспрессияси ўртача $18,2 \pm 0,24$ H-score.ни ташкил этди ($P < 0,05$), 20 нафар аёлда PR рецепторлари даражасининг пасайиши қайд этилди. Эндометрий стромасида ER рецепторлари экспрессияси ўртача пасайиши $84,1 \pm 0,4$ H-score.ни ташкил этди, 11 нафар (55%) аёлда пасайганлиги аниқланди ($P < 0,05$). Стромадаги PR рецепторларининг экспрессияси эса $16,2 \pm 0,2$ H-score.ни ташкил этди ($P < 0,05$), бу эса 9 нафар (45%) аёлда гормонал бошқарувнинг пасайганлигини кўрсатади. Ушбу натижалар II-гуруҳдаги аёлларда эндометрий рецепторлари фаолиятининг пасайганлигини ва ушбу ҳолат репродуктив функцияга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тасдиқлайди (12, 13-расмлар).




12-расм. Безлар эпителийси ва эндометрий стромасида ER рецепторлари ўртача экспрессияси. Иммуногистохимик бўйш $\times 400$ катталаштиришда.




13-расм. Безлар эпителийси ва эндометрий стромасида PR рецепторлари ўртача экспрессияси. Иммуногистохимик бўйш $\times 400$ катталаштиришда.

COVID-19 инфекциясига чалинган кеч репродуктив ёшдаги III-гуруҳ 20 нафар аёлда эндометрийдаги ER ва PR рецепторлар экспрессиясининг без эпителийси ва стромада сезиларли пасайиши аниқланди. Бу ўзгаришлар I ва II гуруҳларга нисбатан анча кучли бўлиб, вируснинг репродуктив тизимга жиддий таъсирини кўрсатади. Без эпителийсида ER рецепторлари экспрессияси ўртача $62,1 \pm 0,4$ H-score ($P < 0,05$) бўлиб, 12 нафар (60%) аёлда пасайиш қайд этилди. PR рецепторлари экспрессияси эса ўртача $17,1 \pm 0,2$ H-score ($P < 0,05$) ни ташкил этиб, 8 нафар (40%) аёлда пасайиш аниқланди. Бу ҳолат лютеин фазасидаги бузилишлар ва имплантация муаммоларига олиб келиши мумкин. Стромада ҳам ER ва PR экспрессияси пасайган: ER — $58,2 \pm 0,2$ H-score ($P < 0,05$), 11 нафар (55%) аёлда; PR — $15,2 \pm 0,4$ H-score ($P < 0,05$), 9 нафар (45%) аёлда. Бу натижалар COVID-19 инфекцияси репродуктив функцияга салбий таъсир кўрсатаётганини кўрсатади (14 ва 15-расмлар).




14-расм. Безлар эпителийси ва эндометрий стромасида ER нинг жуда паст экспрессияси. Иммуногистохимик бўяш $\times 400$ катталаштиришда.



15-расм. Безлар эпителийси ва эндометрий стромасида PR нинг жуда паст экспрессияси. Иммуногистохимик бўяш $\times 400$ катталаштиришда.


